

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида коррупцияга оид  
фактлар бўйича “Ишонч телефони” тўғрисида  
Н И З О М**

1. Ушбу Низом “Ишонч телефони”нинг ишлаш тартибини ташкил этиш, аудио ва видеоёзувларни қабул килиш, рўйхатга олиш ва қўриб чикишни ўз ичига камраб олган холда, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мансабдор шахслари, ходимлари ва ишчилари (кейинги ўринларда - ходимлар) томонидан йўл қўйилган коррупцияга оид фактлар бўйича келиб тушган ариза, шикоят, таклифлар, мурожаатлар (кейинги ўринларда - мурожаатлар)ни ишлашга масъул шахслар, шунингдек, “Ишонч телефони” қурилмаси ва дастурий таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва унинг тизимидағи илмий-тадқиқот муассасалари, ташкилотлари ва минтақавий бўлимлари (кейинги ўринларда – ЎзР ФА ИТМлари) ишчиларига татбик этилади.

**1-боб. Умумий қоидалар**

3. Мазкур Низомда куйидаги атама ва таърифлар қўлланилади:

“Ишонч телефони” - аудио ёки видеоёзув, жумладан, видеоконференц аюла, рўйхатга олиш ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ходимлари томонидан йўл қўйилган коррупцияга оид фактлар (коррупция, коррупцияга оид хукуқбузарликлар, манфаатлар можароси) бўйича келиб тушган мурожаатлар, шикоятларни таҳлил килиш куну-тун қабул килиш мақсадида ташкил этилган чора-тадбирлар мажмуидир.

“Сервер” - сервер ёки фуқаролар томонидан юборилган овозли мурожаатлар ва/ёки видеофайлларни ёзиб олиш ва саклаш учун умумий серверда ажратилган диск майдони;

“Атрибутив (аникловчи) маълумотлар” - ишонч телефони оркали мурожаат килувчи фуқароларнинг ФИШ, мурожаатнинг санаси, вакти, моҳияти, қўриб чикиш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бўлинмаси, тегишли илмий-тадқиқот муассасаси, қўриб чикиш муддати (талаб этилган тақдирда), чоралар қўрилиши ҳақида қайд, назорат килувчи шахснинг ФИО;

“ДТ” - оператор томонидан атрибутив маълумотлар киритилаётган холда рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, мурожатлар таҳлили, аудио ва видеоёзувлар ҳамда мурожаатлар файлларини автоматик режимда ёзиб олиш ва саклаш, коррупция хавфига энг кўп мойилликка эга ишчиларнинг алоҳида

фаолият йўналишларини ажратиб олишга имкон берувчи **дастурий таъминот**;

“Оператор” - ишонч телефони орқали келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш ва атрибутив маълумотларни киритиш вазифаси юклатилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ходими;

4. “Ишонч телефони”нинг иш фаолиятида экани ҳақидаги маълумот, мурожаатларни қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

5. “Ишонч телефони”нинг иш фаолияти куну-тун тартибида ташкил этилади.

## **2-боб. “Ишонч телефони” орқали келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва қўриб чиқиш тартиби**

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига “Ишонч телефони” орқали мурожаат ягона ракамига қўнғироқ қилиш орқали амалга оширилади.

7. “Ишонч телефони”га коррупция, коррупцияга оид хукукбузарликлар, манфаатлар можароси билан боғлик мурожаатлар қабул қилинади.

8. Мурожаатлар шахсан оператор томонидан 09:00 дан 18:00 гача душанбадан жумага қадар (кейинги ўринларда - иш вакти), бошқа вактда эса (кейинги ўринларда - ишдан ташкари вакт) - ДТ орқали автоматик режимда ёзиб олинади.

9. Иш вактида мурожаатни қабул килаётган пайтда оператор мурожаат килувчига ФИШ ва яшаш манзили ҳамда жавоб маълумотини юбориш усули (телефон, поча алокаси, АҚТдан фойдаланган ҳолда алоқа ва бошқалар) ҳақида ахборот тақдим этиши зарурлигини билдириб ўтиши шарт.

10. Ишдан ташкари вактда “Ишонч телефони” ракамига мурожаат қилинганда, ДТ автоматик режимда мурожаат килувчини 8-бандда қўрсатиб ўтилган ахборотларни тақдим этиш зарурлиги ҳақида хабардор киласи.

11. Ишдан ташкари вактда автоматик режимда қўйиладиган матн маъкул қўрилган вариантни танлаш имконияти тақдим этилган ҳолда, ўзбек, рус ва инглиз тилида эшиттирилиши зарур.

12. Ишдан ташкари пайтда мурожаатни қабул қилиш вакти 5 дақиқадан ортиб кетмаслиги лозим.

13. Оператор ДТнинг интерфейсига атрибутив маълумотларни киритади. Айни пайтда, Операторга хукук берилади ва масъул ижро чилар (фаолият йўналишига мувофиқ)нинг тўғри киритишлари бўйича масъулиятга эга бўлади.

Мурожаат ҳақидаги маълумотлар факат электрон шаклда рўйхатдан ўтказилади.

14. Оператор томонидан онлайн режимида киритилган маълумотлар Умумий бўлим, назорат қилувчи масъул раҳбар – ЎзР ФА бош илмий котиби ва Фанлар академияси президентининг алоҳида компьютерларидағи тегишли дастур интерфейсида акс эттирилиши лозим.

15. “Ишонч телефони” орқали Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ваколати доирасига кирмайдиган масалалар бўйича келиб

тушаётган мурожаатлар ўрнатилган тартибда масъул ишчи томонидан тегишли инстанцияга мурожаат қилиш юзасидан тушунтириш ва тавсия тақдим этилади.

Аввалги мурожаатчиларнинг айнан бир хил мазмундаги мурожаати юзасидан муайян қарор қабул қилинган бўлса ва бу ҳақда уларга ўрнатилган тартибда хабар берилган бўлса, мурожаатларни қабул қилиш рад этилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг оператори ва масъул ишчиси томонидан мурожаат билан ишлаш жараёнида жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти ҳакидаги уларга маълум бўлган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди.

17. ЎзРФА бўлинмалари томонидан қабул қилинган қарор ёки амалга оширилган харакатлар (харакатсизлик) устидан шикоят қилинган мурожаатлардан ташкари бошқа барча мурожаатлар кўриб чикиш учун мазкур бўлинмаларга тақдим этилади.

18. Ариза ёки шикоятлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текширув, қўшимча ҳужжатлар сўрови талаб этилган тақдирда - бир ой муддатга қадар кўриб чиқилади.

Текширув ўтказиш, қўшимча материалларни талаб килиб олиш ёки бошқа чоралар кўриш зарурати пайдо бўлганда, мурожаат килувчини хабардор килган ҳолда, мурожаатларни кўриб чикиш муддати истисно тарзида, лекин бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

19. Мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ҳамда масалага моҳият жиҳатидан ечим топилгач, мурожаатчига у мурожаат килган пайтда қандай қабул қилишни истаган бўлса, худди шундай шаклда жавоб юборилади.

20. Мурожаат Фанлар академияси президенти ёки бош илмий котиби томонидан назорат ва ижродан ечилади.

21. Жавоблар юборилган мурожаатлар ўрнатилган тартибда назоратдан ечилади.

### **3-боб. Мурожаатларни аудио ва видео тарзида ёзиш тартиби**

22. Видеоконференц алоқа орқали келиб тушаётган мурожаатларни қўшган ҳолда, барча мурожаатлар сутканинг қайси вактида бўлишидан катъий назар ДТ орқали ёзиб олинади.

23. Фукаролар томонидан мурожаатга илова тарзида муайян электрон шаклдаги материалларни тақдим этиш истаги пайдо бўлса, оператор Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг корпоратив электрон почта манзили ёки ахборот коммуникация технологиялари қўлланилган бошқа расмий алоқа каналини тақдим этиши, маълумотларни қабул қилиши, рўйхатга олиши ва файлларни дастурнинг интерфейсига жойлаб қўйиши зарур.

24. Мурожаатларнинг аудиовидеоёзувлари 3 йилдан кам бўлмаган муддатга сакланади.

#### **4-боб. Сервер ва ДТга нисбатан талаблар**

25. Сервер З йил давомида мурожаатларнинг аудио ва видеофайлларини саклаш учун етарли диск майдонига эга бўлиши зарур.

26. Сервер RAID 10 мустакил дисклари массивида “дискни иш устида алмаштириш” имконияти билан кўрилиши зарур.

27. Сервер бир вактнинг ўзида конференц алока форматида 10 та кирувчи мурожаатни ишлашига имкон берувчи унумдорликка эга бўлиши керак.

28. “Ишонч телефони” кўп каналлилик режимида амалга оширилиши лозим.

29. ДТ юкланган мурожаатлар маълумотлари билан ҳамкорликда кўп фойдаланувчи тартибида ишлашга имконият тақдим этиши зарур. Харажатларни кискартириш максадида ташкилот миқёсида интеграция қилинган ижро интизоми дастурий таъминотининг мавжудлиги ҳолатида бундай дастурий таъминот функцияли модуль ва шакллар билан тўлдирилиши мумкин.

Айни пайтда, API бўйича айнан ўхшаш марказлашган тизимга ДТ модулини интеграция қилиш мажбурий равишда ҳисобга олиниши керак.

30. Ишланаётган ахборотдан рухсатсиз эркин фойдаланиш ёки ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини чеклаш ҳолатларини келтириб чиқарувчи, ахборотга зарар етказувчи, йўқ килувчи ва бузиб талқин этувчи хатти-харакатлар ҳамда сервер ва ДТ фаолиятининг штат режимини ўзгартиришнинг олдини оловчи восита ва усуllар таъминланган бўлиши зарур.

31. ДТ Фанлар академияси фаолиятининг энг муҳим йўналишларига ургу берган ҳолда ёки муайян ишчилар бўйича келиб тушган мурожаатлар юзасидан “Ишонч телефони” орқали қабул қилинган мурожаатларни автоматик режимда таҳлил қилиши лозим.

ДТ муайян даврийликка мўлжалланган, аниқ бўлинмалар (аноним ва тасдикланган мурожаатлар кесимида), муносабат билдирилган мурожаатлар сони, хабарларга жавоблар бериш ва бошқалар бўйича таҳлил созламалари функциясига эга бўлиши зарур.